



Бухоро вилоят статистика бошқармаси

2019 йилнинг январь ойида


ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январь ойида Бухоро вилоятида ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 139,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурати 100,5 фоизни ташкил этиди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 30,3 млрд. сўмни, кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 80,0 млрд. сўмни ҳамда норасмий сектор бўйича 29,5 ташкил қилди.

Мос равишда йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми бўйича ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 79,5% ни, кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми бўйича ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 108,1% ни ва норасмий сектор бўйича ўсиш суръати 111,3 фоизни ташкил этди.


**2019 йил январь ойида корхона ва ташкилотларнинг
тури бўйича қурилиш ишлари таркиби**
жамига нисбатан %да




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишларининг ҳажмида йирик корхона ва ташкилотларнинг улуши 6,7 фоизга камайган, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 2,1 фоизга, норасмий сектор улуши 4,6 фоизга ошган.



Умумий ҳажмда қурилиш ишларининг тури бўйича тақсимооти

2019 йил январь
(жамига нисбатан фоизда)



2018 йил январь
(жамига нисбатан фоизда)




-  янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қуроллантириш
-  капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари

2009 йилнинг январь ойида қурилиш ишларнинг умумий ҳажмидан 55,5 фоизи ёки 77,5 млрд. сўм – янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга (ўтган йилнинг мос даврида 55,1 фоиз ёки 70,8 млрд. сўм), 44,5 фоизи ёки 62,3 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 44,9 фоизи ёки 57,8 млрд. сўм) – капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Кичик корхона ва микрофирмалар ижтимоий соҳа объектларини (мактаблар, коллежлар, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш объектлар ва бошқалар) қуришда, намунали ҳамда арзонлаштирилган ва сотиш учун мўлжалланган турар жойларни қуришда, автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларида қатнашмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бино ва ишоотларни қурилишига 88,4 млрд. сўм, қурилиш ишларининг умумий ҳажмга улуши 63,2 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 77,0 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 59,9 фоиз) фуқаролик объектларини қурилишига 21,0 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 15,1 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 17,0 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 13,2 фоиз) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми 30,4 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 21,7 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 34,6 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 26,9 фоиз) ташкил қилди.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари таркиби (млрд.сўм)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 3,3 % пунктга кўпайди.

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,9 фоизга кўпайган.


Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 5,2% пунктга камайди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби
жамига нисбатан фоизда

январь 2019 йил




январь 2018 йил



Мулкчилик шакли бўйича

Нодавлат мулкчилиги билан қурилиш корхоналари томонидан 133,2 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилган, ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 97,0 фоизни ташкил қилган. Умумий ҳажмга нисбатан улуши 95,3 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 фоизга камайган.

Мулкчилик шакли бўйича қурилиш ишлари таркиби (жамига нисбатан фоизда)



Мулкчилик шакли бўйича қурилиш ишлари

	2019 йил январь, млрд. сўм	2018 йил январь, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда
Жами мулкчилик шакли бўйича	139,8	128,6	100,5
Давлат	6,6	1,9	338,2
Нодавлат	133,2	126,7	97,0

Давлат мулкчилилик шакли томонидан бажарилган қурилиш ишларининг ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизига асосан 2019 йил январь ойида йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишлари таъсир қилган.

*Инвестиция ва қурилиш
статистикаси бўлими*

*Тел: 223-81-99,
0(371) 230-83-10*